*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 127 (5718)
4 ИЮНЬ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

**ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА**

● КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков 1985 йил июнь ойининг бошларида дўстона амалий визит билан Совет Иттифоқига келади.

● Барча алоқа тармоқлари — телеграф, телефон, радио ва телевидение ишининг самарадорлигини ошириш 3 июнь куни Тошкентда ўз ишини бошлаган республика илмий-техника конференцияси қатнашчиларининг диққат марказида турибди.

Илмий-тадқиқот институтларининг, олий ўқув юртларининг вакиллари, ишлатувчилар алоқа техникасини, ундан фойдаланишни такомиллаштиришнинг муҳим проблемаларини муҳокама қилмоқдалар, тажрибани ўртоқлашмоқдалар.

● Қурувчилар зарбдор вахтада

## ПЕШҚАДАМ МОНТАЖЧИЛАР

Республика монтаж ва қурилиш ишлари министрлигида «Узстальконструкция» трестининг монтажчилари тўғрисида ана шундай дейишади. Бу коллектив министрликка қарашли бўлинмалар ўртасидаги социалистик мусобақада доимо фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда, халқ хўжалигининг энг муҳим ишга туширилади ган объектларида баракали меҳнат қилиб келмоқда.

КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган «Узстальконструкция» трести коллективи май ойида ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида ғалаба раппорти берди.

Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида қурувчилар «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи», авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари, республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Пахтачилик» павильони, «Ташсельмаш» заводи, 1-уйсозлик комбинати, Ильич номли завод, ҳажм-блокли уйсозлик заводлари қурилиши ва реконструкциясида фаол иштирок этдилар.

Меҳнат беллашувида Ленин ордени кавалери А. Миселев, Октябрь революцияси ордени кавалери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Г. Муслюмов, А. Жамолов бошлиқ бригадалар меҳнатга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Трест бунёдкорлари йил охирига қадар мотор заводи қурилишида, авиация бирлашмасининг қуюв цехида конструкцияларни тўла монтаж қилиб бўладилар, трактор бирлашмасида аниқ қуйма цехини ишга туширишда, ҳажм-блокли уйсозлик заводини фойдаланишга топширишда фаол иштирок этадилар. Беш йиллик топшириғига қўшима 26900 минг сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

## ВЕТЕРАН ТУҲФАСИ

Ф. Ф. Сушилов «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 11-цехидаги илғор ишчилардан. Бу уруш ва меҳнат ветеранининг коллективдаги ҳурмат ва эътибори яхши.

Фёдор Филиппович асли Комсомольск-на-Амуре шаҳрида туғилиб ўсган, шу ердан Совет Армияси сафида хизмат қилиш учун чақирилиб, Хасан кўли яқинидаги жанговар операцияларда иштирок этган. Кейин у Улуғ Ватан уруши фронтларида мардона жанг қилди. 1, 2, 3-Белоруссия фронтлари қўшинлари сафида Белоруссияни, Польшани озод қилишда, Германиянни фашистлардан тозалашда қатнашди. Унинг Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида кўрсатган матонати муносиб тақдирланди.

Ф. Ф. Сушилов урушдан қайтгач жонажон шаҳрида ишлади. Ҳозир эса Тошкент тракторсозлари катта онласининг муносиб аъзосидир.

Фёдор Филлипович анча вақтдан бери Комсомольск-на Амуре шаҳри мактабларининг пионер ва ўқувчилари билан хат ёзишиб туради. Бу хатларда ёшларга ўзининг жанговар йўли, урушдан кейинги сермазмун ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Яқинда уруш ва меҳнат ветерани ёш дўстларининг илтимосига биноан ета тита ҳарбий мукофотини Комсомольск-на-Амуре шаҳри музейига топшириб, ўзида фақат мукофот гувоҳномасини олиб қолди. Ветеранларнинг музейга туҳфаси орасида «Жанговар хизматлари учун», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» каби медаллар бор.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

## ДРУЖИНАЧИЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАЛАРИ

Чилонзор район партия комитети КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида бир қанча конкрет тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Куни кеча район партия комитетида беш юздан зиёд кўнгилли халқ дружиначилари слёти бўлиб ўтди Унда партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши қатъий кураш юзасидан қабул қилган ғоят муҳим қарорлари асосида район кўнгилли халқ дружиначилари олдида турган вазифалар ҳақида сўз борди.

Дружиначиларни н г район слётида шунингдек бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, хўжалик раҳбарлари, активистлар иштирок этишди. Слёт қатнашчилари районни намунали тартиб ўрнатилган районга айлантириш ва ичкиликбозлик ҳамда алкоголизмни бартараф этиш юзасидан районнинг барча дружиначиларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

Слётда кўнгилли халқ дружиначиларининг энг яхши командир ва аъзоларига Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг, шунингдек район партия комитети ҳамда халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг Фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

## «ИНТИЗОМ КУНИ» КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ИШИ

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат интизоми ва тартибни бузишга қарши кураш тадбирларининг конкрет иш плани ишлаб чиқилди. Эндиликда ҳамма цехларда «Интизом куни» ўтказилмоқда. Мастерлар ва бригада бошлиқлари мунтазам равишда ҳар ҳафтада бир марта ўзларига ишониб топширилган участкада маънавий-психологик муҳитнинг аҳволи ҳақида коллективга ахборот берадилар, интизомни бузувчиларнинг номларини маълум қилиб, кўрилган чораларни айтиб берадилар. Касаба союз активи, жамоатчилик асосидаги кадрлар бўлими ва юридик маслаҳат ишлаб чиқаришда уюшқоқлик ва тартибни оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ҳуқуқий мавзуда еттита лекторий ишлаб турибди. Маданият саройида тракторсозларнинг юстиция ходимлари билан учрашувлари ўтказилмоқда. Цехларда наркология постлари профилактика ишларини олиб бормоқда. Бирлашмадаги бригадаларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи «профгруппада битта ҳам интизомни бузувчи бўлмасин» шиори остидаги ҳаракатга қўшилди.

Буларнинг ҳаммаси ўз натижасини бермоқда. Иш вақтининг исроф бўлиши, кадрлар қўнимсизлиги кескин камайди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Тракторсозлар касаба союз комитетининг меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасидаги иш тажрибаси Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети томонидан маъқулланди ва кенг оммалаштириш учун тавсия қилинди.

(ЎзТАГ).

## ФЕСТИВАЛЬ НИШОНИ БИЛАН

Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмасининг коллективи ёшлар ва студентлар Жаҳон фестивалининг нишони туширилган ип газлама футболкалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Эндиликда корхона конвейеридан фестиваль белгиси туширилган олти хил буюм — футболкалар, кўйлаклар, жемперлар тайёр бўлиб тушмоқда. Шундай буюмлардан жами 3,5 мингта ишлаб чиқарилади.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

## ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШАЁТГАН КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан кўп бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамони она» ордени топширилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

1. Шарипова Саломат— ишчига, Акмал Икромов райони.

СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари

В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1985 йил, 18 май.

## МАМЛАКАТ ИЧКАРИСИДАГИ ЖАСОРАТ ТЎҒРИСИДА

«Қалб саховати» янги телевизион фильми Улуғ Ватан урушида Ғалабага ҳисса қўшган мамлакат қаҳрамон меҳнатчилари тўғрисида ҳикоя қилади.

«Тошкент трактор заводи», «Таштекстильмаш», Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаларининг ветеранлари дастлабки маҳсулот қандай ишлаб чиқарилганлиги ҳақида экран орқали ҳикоя қиладилар. Кинохроника кадрлари уларнинг ҳикоясини тўлдиради.

(ЎзТАГ).

## ШУ КУННИНГ НАФАСИ

**БУГУН ТОШКЕНТДА:**


В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари ажойиб ҳиммат кўрсатишди. Улар бўш вақтларида топшириқдан ташқари ишлаб, тинчлик фондига маблағ тўпладилар. Авиасозларнинг тўплаган 63 минг 72 сўм пули Ҳамза райони давлат банкида тинчлик фонди учун қайд этилди.

● Тошкент зонал эксперименталь лойиҳа илмий-тадқиқот институтининг лойиҳачилари йирик панелли конструкциялардан бунёд этиладиган икки қаватли болалар боғча-яслиги лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бундай тажриба икки қаватли биноларни лойиҳалашда биринчи марта қўлланилмоқда ва яхши самара беришн кутилади. Бу конструкцияларни уй-жой, жамоат ва бошқа биноларни қуришда ҳам ишлатиш мумкин.

● «Подъёмник» заводининг коллективи Озодлик ороли — Куба учун кўтарма кранларнинг навбатдаги партиясини тайёрлаб юборди. Қардош Монголия Халқ Республикасига ҳам иккита кўприк крани жўнатилди. Хиндистон Республикаси ҳам Тошкентда тайёрланган кранларни оладиган бўлди. Корхонанинг узоқ йиллардан буён доимий буюртмачисига айланган бу мамлакат «Подъёмник» заводининг маҳсулотидан мамнун бўлмоқда. Ҳозирга пайтда жаҳонининг қарийб 20 га яқин мамлакати корхона механизмларини сотиб олмоқда.

### ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 28 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 15—17, эртага кундузи 30—32 даража иссиқ бўлади.



# КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик

Кун сайин биз партия ва мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа —КПСС XXVII съездига яқинлашяпмиз. Съезд очиладиган кун янги зафарлар куни ҳамдир. Чунки 1986 йил 25 февралда КПСС XXVII съездини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми олға томон ҳаракатимизнинг янги йўлларини ҳам белгилаб берди. Совет кишилари Пленум қарорларини меҳнат унумдорлигини оширишга доир конкрет қўлланма сифатида қабул қилдилар. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барча мавжуд резервлардан фойдаланиш бунинг бош омилларидир. КПСС Марказий Комитети қарорларни вужудга келтирган омма ташаббускорлиги янги ватанпарварлик ҳаракатларида ўз ифодасини топди.

Республика ишлаб чиқариш илғорларининг КПСС XXVII съездини 27 зарбдор ўн кунлик билан нишонлаш ҳақидаги чақириғи ҳеч кимни хотиржам қолдирганн йўқ. Ўзбекистон пойтахтининг социалистик мусобақа пешқадамлари унга биринчилардан бўлиб қўшилдилар. Улар Тошкент меҳнаткашларини ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини янада оширишга, 1985 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини ортиғи билан адо этишга даъват этдилар. Ушбу ватанпарварлик ташаббусини Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети маъқуллади.

Ҳозир ҳар бир кунни зарбдор меҳнат билан нишонлаш, ҳамма илғорлар маррасига интилишга эришиш муҳимдир. Бизнинг меҳнат зафарларимиз СССР Олий Советининг яқинлашиб келаётган сессиясига, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига, КПСС XXVII съездига муносиб совғамиздир.



СУРАТДА: Тошкент шаҳри корхоналари ва ташкилотларининг «КПСС XXVII съездига —27 зарбдор ўн кунлик» ташаббусини қўллаб-қувватлаган бир группа ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари. Т. Каримов фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

# ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг навбатдаги мажлисида «Республика саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари ишлаб чиқариш илғорларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш борасидаги ташаббусининг Тошкент шаҳри меҳнат коллективлари томонидан қўллаб-қувватланиши тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Республика халқ хўжалиги турли тармоқларининг бир группа ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун зарбдор вахтага туриб, экономикани интенсив ривожлантиришни таъминлаш, техника тараққиётн суръатларини жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тартиб ва уюшқоқликни қарор топтириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисидаги КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг кўрсатмаларига амалий иш билан жавоб бериб, КПСС XXVII съезди шарафига йигирма етти зарбдор ўн кунлик ўтказиш ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар, деб таъкидлайди Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюроси.

Ташаббускорлар сафида шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг ишлаб чиқаришни янада нухта ташкил этиш, профессионал маҳоратни такомиллаштириш, илғор иш усулларни ва рационализацияни жорий этиш ҳисобига шу йил топшириқлари муваффақиятли адо этишга, 1986 йил биринчи квартал планини съезд очиладиган кунгача бажариш, меҳнат унумдорлигини 1,6—5 процент ошириш, ҳом ашё ва материалларни планга қўшимча равишда тежашга эришиш ҳамда шу тежалган ресурслар ҳисобига бир кун ишлаб беришга аҳд қилган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари бор.

Мазкур чақириқ шаҳарнинг кўпгина меҳнат коллективларида қўллаб-қувватланди, ҳамма ерда йиғилишлар бўлиб, уларда корхоналар, цех ва бригадалар, илғор ишчилар КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишмоқда. «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги социалистик мусобақанинг шартлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилмоқда. Шу йил 1 июнга қадар ташаббусни шаҳар халқ хўжалиги саноат, қурилиш, транспорт ва бошқа соҳаларининг 32 мингдан зиёд ходимлари қўллаб-қувватлади. 186 цех, 300 дан зиёд участка ва бригада 1985 йил план топшириқларини муддатидан илгари бажариш, 1986 йил икки ойлик планини съезд очиладиган кунга қадар адо этиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилди.

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр монтажчиси Л. А. Валетова, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичувчиси Р. Я. Сусойкина, «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Г. Т. Арцебасова каби ўн биринчи беш йиллик зарбдорлари шулар жумласидандир. Улар 1985 йил охирига қадар икки беш йиллик топшириқларини, партия анжумани очиладиган кунга қадар эса 1986 йилнинг тўрт ойлик планини бажаришга аҳд қилдилар.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг В. Т. Одилов бошлиқ токарлар, 1-темир-бетон буюмлари заводининг Н. Йўлдошев бошлиқ қолипловчилар бригадалари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 1986 йил биринчи квартали план топшириқларини 1986 йил 25 февралга қадар бажариш мажбуриятини олдилар.

11-«Висотстрой» трестининг В. В. Колганов, «Главташкентстрой»нинг «Жилстрой» трести монтаж бошқармасининг Н. М. Плохих, маркалашган усулда юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль трести 2512-автомобиль комбинатининг М. Тўлаганов бошлиқ бригадалари 1986 йил икки ойлик планини муддатидан илгари — 20 февралда бажариш, шу билан бирга тежалган ресурслар ҳисобига 2—3 кун ишлаб беришга қарор қилдилар.

Партия анжумани шарафига 2-пойафзал фабрикаси бичувчиси М. Х. Йўлчиева ва «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмаси радиомеханикларининг бригадири Б. Х. Собиров юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Шаҳарнинг бир қатор корхоналари КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга жорий эта борнб, съезд очиладиган кунга қадар ишлаб чиқаришга замонавий ускуналарни, энергияни тежайдиган прогрессив технологияни жорий этиш, экономикани янада интенсивлаштиришга қаратилган янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни бўйича йирик тадбирларни амалга оширишни белгиладилар.

1985 йил охирига қадар марказлашган усулда юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль трестининг коллективи 900 автомобилни суюлтирилган газда ишлашга ўтказади, бу 10 минг тоннага яқин бензинни тежаб қолиш имконини беради, иқтисодий самараси эса бир йилда қарийб 1 миллион сўмни ташкил этади.

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи йил охирига қадар қайтадан қурилаётган қуюв заводида дастлабки металл эритилишига эришиш мажбуриятини олди.

Сергели мебель бирлашмасининг меҳнаткашлари иккиламчи ёғоч хом ашёси, ишлаб чиқариш чиқиндиларини хўжалик оборотига жалб этиш ишларини кенг авж олдириб юбордилар. Ана шунинг ҳисобига йил охирига қадар қўшимча 180 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади.

«КПСС XXVII съездига — йигирма етти зарбдор ўн кунлик» ҳаракатини кенг ёйиш, партия анжуманини муносиб кутиб олиш учун қўшимча оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиш каби ишлар шаҳарнинг барча меҳнат коллективларида, партия ташкилотларида олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Тошкет шаҳар комитетининг бюроси «КПСС XXVII съездига 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида оммавий социалистик мусобақани кенг ёйиш ватанпарварлик ташаббуси билан чиққан республика саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини ишлаб чиқариш илғорлари, шунингдек шаҳар меҳнат коллективларининг ташаббусини қўллаб-қувватлади ва маъқуллади.

Район партия комитетларига, шаҳар, корхона ва ташкилотларининг бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига республика халқ хўжалиги барча тармоқлари ва Тошкент шаҳри ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш борасидаги ташаббусини кенг ёйиш учун зарур ташкилий ҳамда оммавий-сиёсий ишларни ўтказиш таклиф этилди.

Давлат плани ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг ва ҳар томонлама авж олдириш, мусобақадош коллективларнинг куч-ғайратини ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишга, иш сифатини яхшилашга, ишлаб чиқариш резервларини изланишга сафарбар этиш лозим.

«Тошкент оқшоми»— «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси, шаҳар телевидениеси ва радиоси, кўп нусхали газеталарга «КПСС XXVII съездига 27 зарбдор ўн кунлик» ватанпарварлик ташаббуси билан чиққан Тошкент шаҳри корхоналари ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, уларнинг издошлари ташаббусини мунтазам ёритиб бориш топширилди.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● САН-ФРАНЦИСКО. Вашингтон штатида жойлашган Сент-Хеленс вулқони яна отила бошлади. Вулқон салгина танаффус қилгач, бундан бир неча кун аввал «уйғонганди». Вулқон кратерини айланиб учган бир группа америкалик олимлар чўғ ҳолидаги лава оқимини кўрдилар. Вулқон отилиши билан бирга текгоник активлик ҳам ортган. Мутахассислар портлаш мумкинлигини ҳам истисно этмаяптилар. Кейинги отилиш буидан саккиз ой илгари рўй берганди.

1980 йил май ойида Сент-Хеленс қаттиқ отилганида кучли портлаш вулқон чўққисини учириб юборганди. Ўшанда вулқон отилишидан аввал рихтер шкаласи бўйича 5 балл дан ошадиган зилзила рўй берган ади. Ўшанда ҳосил бўлган ер сурилишлари катта-катта ўрмонзорларни йўқ қилди. 57 киши ҳалок бўлди.

● МАНАГУА. Сандинончи қуроллн кучлар АҚШ Марказий разведка бошқармаси Никарагуага ташлаган яна 62 нафар ёлланган америкалининн қириб ташлади.

Кейинги уч кун ичида дейнлади республика мудофаа министрлигининг ахборотида, резерв батальонларининг ва «милисманос»нинг жангчилари Шимолий Хинотега ва Матагальпа департаментларида сомосачи муртадларга қарши бир қанча муваффақиятли жанг қилдилар.

● ЛИМА. Перу Тинч океан соҳилининг анчагина қисмида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Мамлакатнинг шу районини босган каттакон қалқиш тўлқинлари вужудга келтирган табиий офат муносабати билан шундай ҳолат жорий этилди. Кутурган офат уч кун ичида катта модднй зарар етказди. Лима департаментидаги Чоррильос портнинг ўзидагина тўлқинлар йигирмата кемани мажақлаб ташлади.

● МАПУТУ. Жанубий Африка Республикасидан олинган хабарларга кўра, Йоханнесбург яқинидаги олтин қазилдиган «Клооф» конида рўй берган қаттиқ портлаш натижасида африкалин 2 шахтёр нобуд бўлди, ўн бир киши оғир шикастланди. Фалокат пайтида ер остида бўлган яна бир кончининг қисмати тўғрисида ҳеч нарса маълум эмас.

Кейинги ўн йил ичида апартенд давлатининг шахталарида 9 мингга яқин кишн ҳалок бўлди, 20 мингдан кўп кишн жароҳатланди. Шуларнинг катта кўпчилиги қора танлилардир. Оқ танли шахта эгалари хавфсизлик техникасининг энг оддий нормаларига ҳам риоя этмаганликлари фожиаларнинг сабаби бўлмоқда. Ирқчи корхона эгалари мумкин қадар кўпроқ фойда олиш пайнда африкалинлар учун зарур меҳнат шароитларини яратиш тўғрисида сира ҳам бош қотирмай, африкалинларни шафқатсиз эксплуатация қилмоқдалар.

● ТОКИО. Токионинг Хибия богида Япония ҳукуматининг халққа зид снёсатига қарши оммавий норозилик митинги бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари маъмурларнинг кекса японларга текин медицина ёрдами кўрсатишни тугатиш ҳақидаги қарорини бекор этишни, медицина хизмати кўрсатганлик учун тўланадиган ҳақни кўпайтириш тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқишни талаб қилдилар. Митинг қатнашчилари «Накансоя» аҳолининг энг муҳтож қисмига зарба урмоқда!», «Харбий харажатлар камайтирилиб, маблағ социал программалар учун сарфлансин!» деган шиорларни кўтариб, парламент биносн олдига келдилар. Улар социал ёрдамларнинг ўзлуксиз камайтирилишини тўхтатиш талаби баён этилган резолюцияни депутатларга топширдилар.

(ТАСС).

• КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари—ҳаётга!

# ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

## «Думалоқ стол» атрофидаги учрашув

**КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларида экономикада сифат ўзгаришлари ясашга хизмат қиладиган ишларнинг асосий йўналишлари белгиланди. Агар ишимизнинг марказига ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни қўйсак, бошқарувни ва планлаштиришни қайта ташкил этсак, ҳамма жойда уюшқоқлик ва интизомни оширсак ўсиш суръатларини тезлаштириш вазифасини бемалол уддалаш мумкин.**

**Бу вазифани ҳал этишда иқтисодий таълим ва меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқуви, иқтисодий тафаккурнинг жамиятнинг ҳозирги ривожланиш вазифаларига мувофиқ келадиган янги типларини ишлаб чиқиш муҳим элемент ҳисобланади.**

**Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети қошидаги меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқуви бўйича шаҳар совети ўтказган «думалоқ стол» атрофидаги йиғилиш КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида шу йўналишдаги тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштиришга бағишланди.**

**«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида бўлиб ўтган учрашувда хўжалик, партия ва касаба союз раҳбарлари, корхоналарининг пропагандистлари, партия органлари вакиллари, газета ва журналларнинг ходимлари иштирок этдилар.**

**«Думалоқ стол»ни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари, меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқуви бўйича шаҳар совети раиси К. П. Дудин олиб борди.**

Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори, профессор М. К. Шарифхўжаев мажлисни оча туриб бу учрашувнинг илғор тажрибаларни, меҳнаткашларни иқтисодий тарбиялашнинг илғор методларини ўрганиш ва кенг қўллашдаги, жамиятнинг ҳар бир аъзосида марксча-ленинча дунёқарашни, юксак сиёсий маданиятни, иқтисодий тафаккурнинг янги типини шакллантиришд а г и аҳамиятини таъкидлаб ўтди.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатни илмий ташкил этиш бюроси бошлиғи Н. Валеева ўз корхонасида иқтисодий ўқув системаси ва инженер-техник ходимлар ҳамда хизматчиларни тарбиялаш тажрибаси билан ўртоқлашди. У шуни таъкидлаб ўтдики, корхонада инженер-техник ходимларнинг иқтисодий ўқув системасида ўрганилаётган программанинг айрим темаларини индивидуал тайёрлашдан самарали фойдаланилади. Бунда аниқ экономика мактаби тингловчилари ишлаб чиқариш фаолиятининг йўналиши ҳисобга олинади. Инженер-техник ходимларнинг ижодий активлигига турли йўналишлар бўйича таклифлар бериш орқали эришилади. Уларни қараб чиқиш тартиби унинг актуаллиги ва корхонада жорий этиш имкониятлари ҳақидаги хулосани назарда тутади.

Қабул қилинган таклифлар асосида планлаштиришнинг информацион базаси, бошқача қилиб айтганда «Ғоялар банки» яратилади. Фан-техника ахборотларини мунтазам ўрганиш ва инженер-техник ходимлар, аниқ экономика мактаби тингловчиларига етказиб берилаётган таклифлар миқдори ва сифатига таъсир кўрсатади. Авторларнинг ижодий активлигини белгилайди. Жумладан, 1984 йилда инженер-техник ходимлар томонидан «ғоялар банки»га 30 дан ортиқ ташкилий-техник тадбирлар берилди. Уларнинг умумий иқтисодий самараси 95 минг сўмдан кўпроқни ташкил этади.

— Бизнинг корхонамизда, — суҳбатга қўшилди агрегат заводи бош технологининг ўринбосари Ю. Вершчагин, — иқтисодий ўқув билан бирга ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг ташкилий-техник тадбирлар ва янги техникани жорий этишнинг ижодий планлари самарадорлигини ошириш бўйича социалистик мусобақаси ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, цехлар ва бўлимларнинг ишчилари ҳамда инженер-техник ходимлари ўз фаолиятлари турига мувофиқ равишда ижодий бригадаларга бирлашиб, танланган ташкилий-техник тадбирлар ва янги техника планини юқори иқтисодий самарадорлик билан ўз вақтида жорий этиш учун ҳаракат қилишади. Бундан ташқари ижодий планлар — мажбуриятлар завод совети томонидан маъқулланган, бригада аъзолари томонидан айтилган таклифлар, тадбирларни ҳам ўз ичига олади. Кадрларнинг иқтисодий тайёрлашнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан яна бири иқтисодий таълимнинг корхонанинг хўжалик фаолияти билан алоқасини мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу йўналишда қилинаётган ишлар ҳақида йиғилганлар олдида В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш цех бошлиғи Б. Вольф гапириб берди.

— Иқтисодий таълим мактаблари системасида тингловчиларнинг онги, замонавий иқтисодий тафаккури тарбияланиши, иккинчи томондан бу онглилик муваффақиятли, самарали меҳнат қилишга ёрдам бериши бизнинг ҳаракатимизда раҳбарликнинг бош мотивларидир, — деб таъкидлади у.

Биз айниқса пропагандистларни танлаш ва улар самарали меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор берамиз. Жумладан, цехимизда коммунистик меҳнат мактабига техника бюроси бошлиғи С. Черенкова раҳбарлик қилади. У бизда 28 йилдан бери ишлайди, цехком аъзоси ҳисобланади. Машғулотларни жонли, қизиқарли, аниқ ишлаб чиқариш мисоллари асосида ўтказади. Мактабда ишлаб чиқариш илғорлари, бригадирлар шуғулланади. Булар ҳаммаси цехнинг ишлаб чиқариш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатаяпти.

Аниқ экономика мактаби раҳбарлари, цех бошлиғининг ўринбосари А. Бурматов ҳақида кўп яхши гапларни айтиш мумкин. Одатда, машғулотларда экономика, бригадаларнинг хўжалик ҳисобида ишлаш усули, рационализация, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш билан боғлиқ барча масалалар таҳлил этилади. «Думалоқ стол» атрофидаги учрашув қатнашчилари иқтисодий эксперемент шароитида ғоявий ва ташкилий ишларни такомиллаштириш тажрибаси билан катта қизиқиб танишдилар. Бу ҳақда «Средазэлектроа п п а рат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари А. Стражков ҳикоя қилди. Бирлашма партия комитети партиянинг хўжалик механизмини янада такомиллаштириш бўйича талабларини, иқтисодий эксперемент ўтказишга раҳбарлик бўйича талабларини пропаганда қилиш ва тушунтиришда барча ташкилий ва идеологик ишларни изчил ва планли йўсинда олиб боряпти. Партком, касаба союз комитети, комсомол комитети, бошқа жамоат ташкилотлари иш планларини шакллантиришда алоҳида олинган ҳар бир ташкилотнинг эксперементнинг умумий ишига қўшаётган аниқ ҳиссаси кўзда тутилади. Коллективда кенг пропагандистлик, тушунтириш ишлари олиб боришга муҳим эътибор берилмоқда.

Пропагандист л а р нинг ўзи ҳам сиёсий маориф кабинети методика советлари орқали иш олиб боряптилар. Улар учун системали равишда материаллар тайёрланади. Шу мақсадда партия кабинетида ахборот-справка маркази ташкил этилган ва у ишлаб турибди.

**«Думалоқ стол» атрофидаги қизғин, қизиқарли муҳокама Тошкент корхоналарининг кадрларни иқтисодий тайёрлаш сифати ва самарадорлигини янада оширишдаги, янги типдаги иқтисодий тафаккурни шакллантиришдаги ижобий, тажрибасини аниқлади. У олдинда ҳали проблемалар кўплигини, катта ишлар турганлигини яққол кўрсатди. Меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш ва ғоявий-сиёсий активлигини ошириш, ҳар бир меҳнаткашда пировард натижа учун шахсий масъулият туйғусини, социалистик тадбиркорликни, топширилган ишга хўжалик ходими кўзи билан қараш фазилатларини тарбиялаш — бугунги кунда иқтисодий ўқув мана шу масалаларга қаратилиши лозим. Пропагандистлик ишининг янги форма ва методларини қунт билан излаш, уларга корхоналар раҳбарлари, коммунистлар ва комсомолларни, илғор ишчиларни актив жалб этиш зарур. Бу ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, экономикани интенсивлаш бўйича партия олдинга қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг гаровидир.**

В. СЕРГЕЕВ.

## ФОТОАХБОРОТ





Собир Раҳимов районидаги «Марказ—17» ва «Марказ — 18» кварталлари кун сайин чирой очиб бормоқда. Бу ерда турли сериядаги янгидан-янги тўққиз қаватли бинолар қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Яқинда кўп қаватли уйлардан яна биттаси фойдаланишга топширилди. Аҳолига қулайлик туғдириш мақсадида бино олдига озиқ-овқат магазини ҳам қурилди.

***

Оҳангарон шоссеси ёнгинасида қурилаётган самолётсозлар шаҳарчаси тобора тўлишиб боряпти. Шаҳарчадан беш ва тўққиз қаватли уйлар жой олмоқда. Яқинда ана шундай муҳташам уйлардан яна бири ҳамшаҳарларимиз ихтиёрига берилди. Истиқоматчилар янги уйларда уй тўйларини бошлаб юбордилар.

Х. Мирзакаримов фотолари.




## АҲОЛИ РАНЖИМАСИН

**Редакциянинг шаҳар хўжалик бўлимига келаётган хатларда (телефони 32-55-39) шаҳардаги баъзи ташкилот раҳбарларининг ўз ишларига лоқайдлик билан қараётганликлари оқибатида аҳоли сарсон бўлаётганлиги айтилади.**

**Қуйида ана шу хатларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

**Ўтган йилнинг октябрь ойидан бери уйимдаги (48-83-67) телефон бир кун ишласа, икки кун ишламайди. Ишлаган кунлари ҳам қўнғироқ қилмоқчи бўлиб трубкани олсангиз бир неча қўшниларнинг овозларини эшитасиз. Бу ҳақда мутасадди ташкилотларга айтавериб чарчадик. Улар ҳар хил баҳоналар билан ўзларини оқламоқчи бўлишади. Нима учун биз уларнинг лоқайдликлари сабабли телефон хизматидан фойдаланмаслигимиз керак!**

**Б. КАЛОМОВ,**
Золотарев кўчаси, 20-уй.

●

**151-алоқа бўлими хизматидан хафамиз. Газета ва журналларни 3—4 кун деганда олиб келишади. Обуналаримизни ўз вақтида олиб келишмаётганлиги ҳақида шикоят қилиб алоқа бўлимига ўн маротаба учрашдик. Лекин улар «олиб бордик, эшигингизда яшчик йўқ экан» деган баҳоналарни қилишади. Нима учун бошқа обуначиларга ўхшаб биз газета ва журналларимизни ўз вақтида ололмаймиз!**

**А. РАСУЛОВ,** 3-Назарбек кўчаси, 12-уй.

●

**Ўтган йили «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналига обуна бўлганимда Октябрь районидаги алоқа бўлимидагилар менга 311614 рақамли квитанция ёзиб беришди. Мана, тўрт ойдан бери журналнинг келишини кутаман. Бу ҳақда бизга хизмат кўрсатувчи 91-алоқа бўлимига бориб учрашувдим «Бундай журналнинг ҳали биронта сонини ҳам олганимиз йўқ», дейишди. Алоқа бўлимидагилар обуначилар ҳақида ғамхўрлик кўрсатишмаса, ким ғамхўрлик кўрсатади!**

**М. ҚОДИРОВ,**
2-Қорақамиш массиви, 1-микрорайон, 14-уй, 16-квартира.

●

**«Бешқайрағоч» маҳалласида газета ва журналлар билан савдо қиладиган киоска бор эди. Нима бўлди-ю, шу киоскани олиб кетишди. Китоб билан савдо қиладиган магазин ҳам ўз-ўзидан ғойиб бўлди. Ахир аҳолига газета ва журналлар, ўқувчилар учун китоб магазини керак-ку!**

**Ў. КАРИМОВ,** ўқитувчи. **Ш. ҒАНИЕВ,** механик.
**С. ШУКУРОВ.** шофёр.

●

**1-Қорақамиш массивидаги 2-микрорайонда жойлашган 2-«А» уйда етмишдан ортиқ хўжалик истиқомат қилади. Бундан икки йил муқаддам фойдаланишга топширилган бу уйни қурувчилар сифатсиз қуриб кетишган экан. Натижада қиш фаслида деярли ҳар бир хонадонда ҳузур-ҳаловат бўлмади. Батареялар тешилиб, сув оқди.**

**66-уй-жойлардан фойдаланиш участкасига мурожаат этсак, ҳали бу уйни бизга топширишмаган дейишди. Нима, аҳоли икки ташкилотнинг боқибеғамлиги туфайли сарсон бўлиши керакми!**

**Х. АБДУРАЗЗОҚОВ,**
**С. МАМБЕТОВ,**
**А. АБДУЛЛАЕВ,**
Жами 23 имзо.

●

**Биз рўзғоримизда баллонли газдан фойдаланамиз. Лекин ана шу ёқилғини буюртма бериб уйимизга олиб келиш учун 15—20 кун кутишга тўғри келади. Мана ўтган ойда ҳам райгазга қўнғироқ қилиб, 2624 рақамли абонемент номерини айтдим. Ўн тўрт кун деганда олиб келишди. Яна буниси етмагандай, баъзан баллонли газлар уч-тўрт кунга етмасдан тугаб қолади. Нима учун аҳолининг буюртмаси ўз вақтида бажарилмайди!**

**К. МУҲАМЕДОВА,**
Самарқанд дарвоза кўчаси, 194-«а» уй.

**РЕДАКЦИЯДАН: Газетхонлар баъзи ташкилот раҳбарларининг ишларига лоқайдлик билан қараётганликларини жуда тўғри танқид қилишган. Шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси, шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармаси, шаҳар «Союзпечать» агентлиги, Собир Раҳимов район ижроия комитети ва уй-жойлардан фойдаланиш тресті, Октябрь райгази, шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси оқшомхонлар хатида келтирилган камчиликларни тугатиш бўйича конкрет чора-тадбирлар кўриши керак!**

• «Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

## «НЕГА ОВОРА ҚИЛИШАДИ?»

**Газетанинг шу йил 1 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада 8-маршрутга қатновчи автобус ҳайдовчисининг қоидабузарлиги танқид қилинган эди.**

**«Главташпасс а в т о т-ранс»дан олинган жавобда хабар қилинишича, мақолада баён этилган фактлар чиндан рўй бергани аниқланди. Мақола 8-автобус паркида муҳокама этилди. Автобус парки бўйича чиқарилган буйруқ билан пассажирларни ташиш қоидасини бузганлиги учун ҳайдовчи С. Холмуҳамедовга виговор эълон қилинди. У тегишлича ой ва йил якунларига кўра мукофотнинг бир қисмидан маҳрум этилди. Маршрутларда ҳайдовчилар ва кондукторлар иши устидан назоратни кучайтириш чоралари кўрилди.**

• Хат босилмади, аммо чора кўрилди

## МЕБЕЛДАГИ НУҚСОН БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Газетхон И. Умархўжаева редакциямизга ёзган шикоят хатида магазиндан сотиб олган мебели сифатсиз чиққанини маълум қилганди. Редакция ушбу шикоят хатини текшириб, чора кўриш учун «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасига юборганди. Яқинда бирлашма бош директори имзоси билан жавоб хати олинди. Унда шундай дейилади:

**«Текширишда И. Умархўжаеванинг шикояти тасдиқланди. У сотиб олган шкафдаги нуқсон механик характерда бўлиб, ташиш пайтида содир бўлган. Бирлашма мутахассислари И. Умархўжаеванинг уйига бориб, шкафнинг эшигини алмаштириб, созлаб беришди. Шунингдек бундан буён мебелларни ташишда уларнинг сифатига шикаст етказмаслик бўйича чора-тадбирлар белгиланди».**

**П. ТОШМУҲАМЕДОВ,**
«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

**ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР**

## ЙИРИК ИЛМИЙ МАРКАЗ

**ХАНОЙ. ВСР илмий-тадқиқот маркази ўзининг ўн йиллигини нишонламоқда. Илмий марказ табиёт фанлари соҳасида иш олиб бораётган ўнлаб институтларни бирлаштирган бўлиб, республикада давлат тадқиқотлари программаси амалга оширилишини мувофиқлаштириб туради. Вьетнам олимлари ВКП V съезди қарорларига амал қилиб, ўзларининг бутун куч-ғайратларини фанни жамиятнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучига айлантиришга сафарбар этмоқдалар.**

**Ўтган йиллар мобайнида илмий кадрлар отряди уч баравар ўсди. Мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида замонавий ускуналар билан жиҳозланган институтлар ва экспериментлар лабораториялари очилди. Бунда совет олимлари вьетнамлик ҳамкасбларига катта ва самарали ёрдам бердилар. Биология ва химия, ядро физикаси ва метеорология, геология ва медицина соҳаларида биргаликда иш олиб борилмоқда. Жанубий Вьетнам табиий бойликларнинг геологик таркиб комплекс ўрганилиши ВСР нефть қазиш саноатини ривожлантириш истиқболларини очиб берди. Далата шаҳрида ядро реактори ишга туширилди. У тинчлик атоми давлат программасини амалга оширишнинг базасига айланди. Совет—Вьетнам ҳамкорлигидаги тропик метеорология лабораториясида республика халқ хўжалиги учун муҳим маълумотлар олинди. Булар довуллар бўлишини олдиндан айтиб бериш ҳамда табиий офатларнинг оқибатларини камайтириш учун ўз вақтида чоралар кўришда ёрдам беради.**



**ЧИЛИ. Мамлакат пойтахти—Сантьяго шаҳрида чилилик икки ватанпарвар—Хосе Мануэль Паради ва Мануэль Геррерони кўмиш маросимига бағишланган мотам намойиши бўлиб ўтди. Пиночет қўриқчилари томонидан ёвузларча ўлдирилган бу икки ватанпарварнинг жасади Сантьяго шаҳридан 15 километр нарида топилган. Ватанпарварларни кўмиш маросими ҳақиқий норозилик намойишига айланди. Минглаб сантьяголиклар шаҳар кўчаларига чиқишиб, қизил байроқлар ва плакатлар кўтариб олишди. Улар Пиночет олиб бораётган сиёсатни қоралашди.**

**СУРАТДА: мотам митинги қатнашчилари.**

## СОВЕТ КИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

БЕЛГРАД. Югославия пойтахтида совет китоблари кўргазмаси очилди. Кўргазмани СССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат Комитети ЮСФР ноширлари ва китоб савдо ташкилотлари уюшмаси билан биргаликда ташкил этди. Совет китоб нашриётчилиги ютуқларининг бу кўриги фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланди.

Кўргазмага қўйилган китоблар совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги мислсиз жанговар ва меҳнат жасоратлари ҳақида, СССР ва Совет Армиясининг Германия фашизми ва Япония милитаризми устидан қозонилган ғалабадаги ҳал қилувчи роли ҳақида ҳикоя қилади. Махсус бўлим КПСС билан совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатига, КПССнинг XXVII съездига тайёргарликка бағишланган.

СССР ва Югославия китоб ноширларининг ҳамкорлиги ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда. Кейинги 40 йил мобайнида совет нашриётлари югослав муаллифларининг 647 та китоби ва брошюрасини жами 30 миллион нусхага яқин тиражда чиқарди. Кейинги ўн йилнинг ўзида иккала мамлакат муаллифларининг асарларини ўзаро таржима қилиш ва нашр этиш тўғрисида 739 та шартнома имзоланди.

## ЙЎҚСИЛЛАР ҲИСОБИГА

ВАШИНГТОН. Рейган маъмурияти ишлаб чиққан «солиқ ислоҳоти»дан аввало бадавлат америкаликлар ва корпорациялар манфаат кўрадилар, ўртача даромад олувчилар ва йўқсилларга эса бу «янгилик» катта зарба уради. АҚШ конгрессининг бирлашган иқтисодий комитетида бўлиб ўтган муҳокама вақтида Американинг таниқли экспертлари шу фикрни айтишди.

Ратжерс университети ҳузуридаги бизнес мактаби редакторининг ёрдамчиси Генри Раймондо Рейганнинг «солиқ ислоҳоти»ни «ноодилона ислоҳот» деб атади. Маъмуриятнинг режалари рўёбга чиқадиган бўлса, оддий америкаликлар 30 миллиард доллар миқдорида зарар кўрадилар, мамлакатнинг бир қанча районлари эса иқтисодий жиҳатдан тушкунликка дучор бўлади, деди у. Компаниялар ва давлатманд кишилар солиқ юқори бўлган штатлардан, солиқ даражаси пастроқ бўлган штатларга кўчиб ўтаверадилар. Натижада капитал бошқа штатларга «кўчадиган» районлар иқтисодий жиҳатдан жуда оғир аҳволда қоладилар. Тулан университетининг экономика профессори Уильям Оукленднинг уқтиришича, президент айрим турдаги мулкларга солинадиган солиқларни оширишни таклиф этиб, «ҳотамтойлик қилди», аммо пировард натижада бу чора аҳолининг энг кам таъминланган табақаларига зарба бўлиб тушади. Чунончи, анчагина америкаликлар уй-жой учун кўпроқ ҳақ тўлашга мажбур бўладилар, чунки уй эгалари ўз мулкларига солинадиган солиқнинг бир мунча кўпайиши эвазига квартира ҳақини ошириб, «посонгини тўғрилаб олиш»га уринадилар.

Висконсин штатидан сайланган демократ конгрессмен Дэвид Оби Рейганнинг «солиқ ислоҳотига «жуда энсани қотирувчи ислоҳот» деб баҳо берди. Ислоҳот шундай тарзда тузилганки, деб уқтирди у, натижада маҳаллий маъмурлар соғлиқни сақлаш, маориф, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа тадбирларга сарфланадиган маблағни қисқартиришга мажбур бўладилар.

## Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

ВАРШАВА. Бу ерда XXX Халқаро китоб ярмаркаси ниҳоясига етди. Ўн минглаб варшаваликлар ва Польша пойтахтининг меҳмонлари 25 мамлакатнинг 1.100 фирмаси ва китоб нашриётлари маҳсулоти билан қизиқиб танишдилар.

Бутуниттифоқ «Международная книга» ташқи савдо бирлашмаси катта экспозицияни тайёрлади. Бу бирлашма анъанага кўра, Варшава Ярмаркасининг энг катта қатнашчиларидан биридир. Экспозицияда совет нашриётларининг 4 мингга яқин янги китоби бор эди. Ижтимоий-сиёсий мавзудаги китоблар қўйилган стендлар мутахассислар ва китобсеварларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Бу стендларда марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, шу жумладан В. И. Ленин тўла асарлар тўпламининг дастлабки беш томи бор эди. Совет Иттифоқининг «Прогресс» нашриёти билан Польшанинг «Ксенжка ва Ведза» нашриёти биргаликда В. И. Ленин асарларини поляк тилида чиқармоқда.

Совет халқининг гитлерчилар Германиясини тор-мор қилиш ишига қўшган тарихий ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи махсус стендлар фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги белгиси остида ўтган ярмарка қатнашчилари ва меҳмонларида айниқса зўр қизиқиш туғдирди.

Варшавадаги ярмарка жаҳон китоб нашр этиш иши ютуқларининг катта кўригига айланди, социалистик давлатлар полиграфия соҳасида тўплаган бой тажрибани намойиш қилди.

***

БУДАПЕШТ. ТАССнинг «Ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш учун» мавзуидаги фотовиставкаси Венгрия пойтахтида ёпилди. Уни 20 мингдан кўпроқ томошабин келиб кўрди. Саноат корхоналарининг ишчилари, социалистик меҳнат бригадалари, студентлар, мактаб ўқувчилари фронт мухбирларининг совет халқининг Улуғ Ватан уруши давридаги қаҳрамонона кураши тўғрисида ҳикоя қилувчи фотосуратлари билан танишдилар.

Фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган виставка яқин ойлар ичида Венгриянинг бошқа катта шаҳарларида ҳам намойиш этилади.

***

ВЕНА. Линцдаги кемасозлик корхонасида «Бастион» деб аталган сузувчи кўп чўмичли экскаваторни сувга тушириш маросими бўлиб ўтди. Совет Иттифоқининг буюртмаси билан қурилган экскаватор Ленинград районида ҳимоя дамбалари системасини барпо этиш учун мўлжалланган. Матбуотнинг ёзишича, бу экскаватор Австрия кемасозлари қурган ана шундай типдаги энг йирик кемалардан биридир. У ўз қуввати жиҳатидан илгари қурилган ва ҳозирги вақтда Волга ва Обь дарёларида ишлаб турган сузувчи экскаваторлардан деярли учдан бир баравар устундир.

***

ОСЛО. Норвегия жанубида шу вақт учун одатдан ташқари иссиқ об-ҳаво бошланди. Баъзи жойларда кундуз ҳарорат Цельсий бўйича 26 даражага етмоқда.

Эльверум шаҳридан жанубда жойлашган Эстердален водийсида айниқса жиддий аҳвол юз берди. Норвегиядаги энг йирик Гломма дарёси тошиб, минглаб гектар ерни сув босди. Кўпгина қишлоқ хўжалик экинзорлари ва ўрмонзорлар сув остида қолди. Норвегия пойтахтини Марказий Норвегиядаги Тронхейм шаҳри билан боғланадиган автомагистралда ҳаракат узилиб қолди. Мутахассисларнинг уқтиришича, бу районда шундай катта сув тошқини 1967 йилдан буён рўй бермаган эди.

### КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФЕСТИВАЛИ

**Яқинда Франциянинг Грос шаҳарчасида ўтказилган «Экспохобби—85» фестивалида тўққиз мамлакатдан юздан ортиқ коллекционерлар қатнашди. Фестиваль давомида қадимги қўғирчоқлар, почта маркалари, жажжи ўйинчоқлар, эски афишалар намойиш этилди. Айниқса эски автомобиллар кўргазмаси қизиқарли бўлди. Фестиваль қатнашчилари ўзларининг бўш вақтларини севган ишларига бағишлаб, турли хил кўнгил очар машғулотлар ўйлаб топишганини йиғилганларга сўзлаб беришди. Бир қатор мамлакатларнинг матбуот воситалари фестиваль қатнашчилари билан ўтказилган суҳбатларга кенг ўрин беришди.**

### МОДА ТУФАЙЛИ

**Ҳозирги вақтда мода орқасидан қуваётганлар сони ортиб бормоқда. Айниқса Ҳиндистонда модапарастлардан катта моддий зарар кўриляпти. Маълумки, мамлакат бўйича 1973 йил декабрдан бошлаб илон терисини олиб чиқиб кетиш умуман ман этилган. Аммо шунга қарамай, қимматбаҳо буюм АҚШ, ГДР, Япония, Сингапур ва Гонгконгдаги «яширин» бозорларда пайдо бўлмоқда. Айниқса ўта заҳарли илонлар терисига талабгорлар кўп. Яқинда Ҳиндистон хавфсизлик хизмати ходимлари 1,3 миллион доллар турадиган 244 минг та илон терисини мамлакатдан олиб чиқиб кетилаётганда ушлаб қолишди.**

### ХУДДИ 500 ЙИЛ ИЛГАРИГИДЕК

**Испан кемасозлари машҳур сайёҳ Колумбнинг «Пинта», «Нинья» ва «Санта-Мамия» кемаларини қуришга киришдилар. Худди шу кемаларда 1992 йилда Америка қитъаси очилганлигининг 500 йиллиги тантана қилинадиган кунларда Атлантика океанини бўйлаб сузиб ўтиш мўлжалланмоқда. Умумий қиммати 1,6 миллион доллар турадиган бу иш Испания миллий комиссияси буюртмаси асосида бажариляпти. Шуниси қизиқки, океан оша сузиш даврида бундан беш аср муқаддам фойдаланилган денгиз асбоблари қўлланилади.**

Яхши дам—
меҳнатга ҳамдам

# ГЎЗАЛЛИКНИ АВАЙЛАНГ

Ёз паллаларида инсон бенихтиёр табиат бағрига талпинади, мусаффо дала ҳавосидан тўйиб нафас олишни, жозибали табиат манзараларидан баҳраманд бўлишни истайди. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг дам олишига кулай шарт-шароитлар яратиб қўйибди. Ана шундай дам олиш пайтларида она табиатни доим авайлашимиз керак.

Одатда шанба ва якшанба кунлари дам олиш зоналари ҳордиқ чиқарувчилар билан гавжум бўлиб кетади. Ана шунда гўзаллик оламига маҳлиё бўлган дам олувчилар кўпинча ножўя «ишлари» билан фусункор табиатимизга озор берадилар. Масалан кўм-кўк майсазорлар, гул-чечаклар чаманзорида ҳар хил чиқиндилар: консерва банкалари, шиша синиқлари, қоғоз бўлаклари, гугурт қутилари ва бошқа турдаги нарсаларни қолдириб кетадилар. Шунингдек, турли ўсимликларни кўр-кўрона синдириб, юлиб, унга зиён етказадилар. Ўсимликлар намунасини яхши билмай туриб гулларидан гулдасталар тайёрлаш, беҳудага юлиш хатарли оқибатларга сабабчи бўлиши мумкин. Чунки айрим ўсимликлар борки, улар ўз таркибида инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган заҳарли моддалар сақлайди.

Масалан, тоғ турбиди (диктамнус — таджикорум) рутагуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг тоғ поясларида дарахтзор ва бутазорларда учрайди. Поясининг бўйи 50—80 сантиметр, танаси майда без тукчалар билан қопланган, май-июнь ойларида гуллайди. Гуллари йирик пушти ва тўқ қизил — чаноқларга ажралмайдиган беш бўлакли бўлиб, мева беради.

Бундан ташқари тоғ турбидининг таркибида диктамнин, скилланин ва бошқа алкалоид моддалари мавжуд. Шу туфайли у чорва моллари учун жуда ҳавфли ҳисобланади. Агар биз табиатга нисбатан бепарво шафқат бўлмасак, у ўз инъомлари билан бизни ҳар доим ҳушнуд этади.

**У. АБДУЛЛАЕВ,**
**химия фанлари кандидати.**



Ҳаво иссиқ кунларда фавворалар атрофида ҳордиқ чиқариш кишига яхши кайфият, бардамлик бағишлайди. Революция хиёбони ёнида яқинда фойдаланишга топширилган мана бу фонтан шакл-шамойили, тоза ҳавоси билан дилни яйратиб юборади.

• Ҳар фаслнинг ўз хислати бор

# ГУЛЛАР ОЙИ

Май ойининг ёғинсочинли, ўзгарувчан ва момақалдироқли кунлари ҳам ўтиб кетди. Ўлкамизга фасларнинг олтин палласи — ёз келди. У бу йил ҳар йилдагидан анча кеч сезиларди, чунки баҳор ўз «ҳуқуқ»ларидан тўла фойдаланди. Шундай бўлса-да, Ўрта Осиёнинг суғориладиган воҳаларида тут, гилос, қулупнай, олча, помидори пишиб, ёз бошланганидан дарак бера бошлади.

Июнь — ёзнинг биринчи ойи ҳисобланса-да, ёз билан баҳор ўртасида кескин чегара йўқ. Астрономлар ёз боши деб 21—22 июнни аташса, метеорологлар ўртача суткалик ҳаво ҳароратининг 15 даражадан ошган кунни ҳисоблашади.

Бепоён ўлкамизнинг Тянь-Шань, Помир ва Олой тоғлари чаманзор гуллар билан қопланган бўлиб, туристларнинг, дам олувчиларнинг баҳридилини очяпти. Июнда ҳаво ҳарорати анча кўтарилиб, ёз фасли ўлкамиз бўйлаб қулоч ёзди ва айрим кунлари ҳарорат 35 даражадан ҳам юқори кўтарилиши мумкин. Термиз шаҳрида 1914 йилнинг 21 июнида 49,5 даража иссиқ бўлган. Бу эса фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Иттифоқимизда ҳам энг юқори ҳарорат эди.

Хўш, шундай иссиқ кунлар пайтида ўлкамизнинг дарёлари бошланган жой — Тянь-Шань ва Помир тоғларида ҳарорат қандай? Шаҳримиз аҳли иссиқдан ўзини сақлашга уриниб, соясалқин жойларни қидирган бир пайтда улуғвор тоғларимизда кун ора қор ёғиб туради. Шундай бўлса-да бойчечак униб чиқиб, кунлар анча илиб қолади. Чорвадорлар эса, секин-аста чорвани тоғ ёнбағирларидаги яйловларга чиқара бошлайдилар.

Бу ойда тоғ олди районлари, оромгоҳлар табиати ўзгача. Соф ҳаво, ям-яшил гуллар билан қопланган жаннатмакон жойлар ўз меҳмонларини кутиб турибди. Тоғлар қучоғига марҳабо, аэиз ҳамшаҳарлар!

**А. АКБАРОВ,**
**география фанлари кандидати.**

ИЮННИНГ

МАЪНОСИ

Июнь лотинча «юниус» сўзидан келиб чиққан. Июннинг қадимги русча номи изок деб аталган — бу эса, чигиртканинг чирилласи деган маънони билдирган.

**Сўлим боғ — Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг табиат кўргазма-байрами ўтказилди. Бу байрамни ўтказишдан мақсад, ёш авлодни республикамиз ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси билан яқиндан таништириш эди. Болаларни ҳарранда ва ҳайвонларни уй шароитига қандай мослаш, Ўзбекистон флора ва фаунасини кўз қорачиғидек асрашга**

• Қушлар—бизнинг дўстимиз

# ҚИЗИҚАРЛИ КЎРГАЗМА

ўргатиш шу куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг бу ўн биринчи виставкасида район табиат байрамининг ғолибларн бўлган шаҳримиздаги 80 га яқин мактаблар қатнашди. Ҳар бир мактаб ўзининг тирик жонли бурчаги, экспонатлари, турли композициялари, ҳайвонот дунёсини виставкада намойиш қилди.

Бундан ташқари, байрамга Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш ўқитиш-тажриба хўжалиги фанлари кандидати, Ботаника ва ҳайвонот боғлари ҳам экспонатлари билан қатнашдилар.

Байрамда қўғирчоқ театри коллективи турли-туман қизиқарли викторналар намойиш этди. Жюри аъзолари 16 та мактабни 1, 2, 3 босқичдаги дипломлар ва мукофотлар билан тақдирлади. 53 та мактаб фахрий ёрлиқ билан мукофотланди.

**Р. ХЎЖАЕВА,**
Тошкент табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг масъул ходими.

ҲУШЁРЛИК—
ҲАЁТИМИЗ ТАРЗИ

• Маҳаллада нима гап?

# ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ИЛЛАТ

**Совет турмуш тарзининг гўзаллиги, ҳаётимиз фаровонлиги, меҳнаткаш халқимизнинг бой маънавий оламн — буларнинг ҳаммасига ичкиликбозликдек ёмон иллат доим ёт нарса ҳисобланади. Алкоголизм соцнал-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ва онлавий жараёнларга, инсон саломатлигига катта путур етказади. Шунинг учун ҳам жонажон Коммунистик партиямиз Марказий Комитети «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида» ҳамда СССР Министрлар Совети «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида» жуда муҳим қарорларни қабул қилдилар.**

**Ҳаётий бу ҳужжатларни барча жойларда жамоатчилик кенг муҳокама қилиб, ичкликбозликка қарши қатъий ўт очмоқдалар. Куни-кеча Киров районидаги Улуғбек номли маҳаллада шу масалага атрофлича ишлаб чиқилди.**

**Улуғбек маҳалласида 753 хонадон бўлиб, бу ерда 3500 дан ортиқ турли касб эгалари истиқомат қиладн. Маҳаллада доим таълим-тарбия соҳасида ибратли ишлар амалга оширнб борилмоқда. Маҳаллада Улуғ Ватан урушининг 40 йиллигини нишонлаш ажойиб тантанага айланди. Катта клубга Улуғ Ватан урушн иштирокчилари тўпланишди. Ёшлар уларга ҳурмат-эҳтиром билан юрак сўзларини айтдилар, она-Ватанга жангчи оталардек садоқатли бўлишга ваъда бердилар. Уруш иштирокчилари ўз хотираларини мароқ билан сўзлаб бердилар. Маҳаллада урушда халок бўлган 40 кишига ёдгорлик ташкил қилинниб, у маҳалла клубидан жой олди.**

**Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни масаласи маҳалла клубида кенг ва атрофлича муҳокама қилиндн. Маҳалла комитетининг раиси, коммунист-педагог А. Мансуров ичкиликбозлик — жамиятимизга ёт бўлган ярамас иллат эканини, партия-ҳукуматимизнинг кунн-кеча эълон қилинган қарорларида бу масала аниқ-равшан кўрсатиб берилганини гапирди.**

**Маҳалла комитети раисининг ўринбосари, кекса пенсионер Султон Зуфаров ўз сўзида маҳаллада ичиб юрадиган ёшларнинг айримларини мисол келтирди:**

**— Баъзи оилалар яхшигина маош оладн-ю, рўзғорн ҳеч бут бўлмайди,— деди у. — Чунки шу оила бошлиғи ичкилик ичади, пулни исроф қилиб сарфлайди. Ўртача ойлик оладиган шундай оилалар борки, улар фаровон яшашади, зеро бу оилаларда ичувчи пиянистаалар йўқ. Қайси оилада ичкиликбозлик бўлса, ўша оилада фаровонлик ҳам, қут-барака ҳам, тотувлик ҳам, бахт-саодат ҳам бўлмайди.**

**Пенсионер-педагог Султонбой Эшонов тўйларда спиртли ичимликларни мутлақо қўймаслик, бу сарқит ўрнига дастурхонларга ноз-неъматлар, шифобахш шарбатларни кўпайтиришни айтди. Ичкилик айниқса, ёшларнинг онгини сусайтираётганини, уларни ёмон йўлга кириб кетишга сабаб бўлаётганини алоҳида таъкидлади.**

**Врач Яҳё Юнусов ичкилик чўнтакнинг, обрўнинг, тотувликнинг зарари бўлибгина қолмай, инсон саломатлигининг ашаддий душмани эканлигини гапирди. У, сурункасига ичадиган кишилардаги касалликларни мисоллар асосида ҳикоя қилиб берди. Энг муҳими, ичкилик ичадиган оилалардаги бегуноҳ гўдакларнинг ногирон бўлиб туғилишини алоҳида қайд этиб ўтди.**

**Техника фанлари кандидати, Тошкент автомобиль ва йўллар институти ўқитувчиси Саъдулла Мусаев шаҳримизда юз бераётган ачинарли йўл-транспорт ҳожиаларининг деярли кўпчилиги рулга ичкилик ичиб ўтирнш оқибатида эканн ҳақида гапирди.**

**— Айрим ҳолларда ўтқиришларда шофёрларнинг «машинам бор» дейишганига қўйишмай, «юз эллиата ичиб юборсангиз ҳеч нарса бўлмайди», дейдиган кап-катта, эслн-хушли одамларга ҳайрон қоласан. Ахир озгинагина ароқ ҳам катта фалокатга сабаб бўлиши, инсон ҳаётдан кўз юмиб кетиши нақадар бахтсизлик! Машинаси бўлган одам ичмоқчи бўлса, уни бу ишдан қайтарсак фалокатнинг олдини олган бўламиз.**

**Техника фанлари кандидати Ҳусниддин Олимхўжаев «Бахт уйларида» никоҳдан ўтган ёшларнинг знёфатда ичишлари, айниқса 16—17 ёшдаги йигитлар ва қизлар бундай знёфатларда ичкиликка ўрганиб қолишларн ҳақида куйиниб гапирди. Келин ва куёв бир ёстиққа бош қўйишни аччиқ ичкилик билан эмас, ширин-шакар шарбатлар ичишдан бошлашса нақадар яхши бўлади.**

**«Узгипротяжпром» лойиҳа институтининг инженери Собир Искандаров ҳам муҳим мавзуга тўхталиб ўтди. У кейинги пайтларда маҳаллада иккнчи группага бўлиниб олиб «гап ўйнаётган» хотинларни танқид қилди.**

**— Хотин-қизларимиз ўйнаб-кулишлари, яхши дам олишлари керак,— деди у, — лекин «гап знёфати»да ароқ, коньяк каби ўткир спиртли ичимликлар ичишлари яхши эмас. Аёллар доим ҳаё, иффат, гўзаллик, онанлик рамзи бўлиб келганлар, уларни бнз доим шундай эъзозлаймиз.**

**Маҳалла клубига тўпланган кишилар ҳам бу фикр-мулоҳазаларга тўлиқ қўшилишди, турли тўй-йигинларнни ичкиликсиз ўтказиш ҳақида гапирдилар.**

**Маҳалла аҳли тўйларда ичкилик қўймаслик, турли маросимларни — туғилган кун, знёфат, ўрта мактабни ва институтни битирганда, ҳарбий хизматга кузатаётгандаги ўтқиришларни ичкиликсиз ўтказишга бир оғиздан қарор қабул қилди. Ичкиликка ружу қўйган кишиларга маҳалла ўртоқлик суди томонидан маъмурий жазо бериш, бу ҳам кор қилмаса жиноий жавобгарликка тортишгача чора кўриш масалалари муҳокама қилинди.**

**Ҳа, ичкиликбозликка қарши курашни фақат маъмурий органларнинг ишигина бўлиб қолмай, бу масалада кенг жамоатчилик ҳам актив иштирок этиши кераклигини яхши ҳис қилган маҳалла аҳли ўз ҳиссаларини қўшишга бел боғладилар.**

**С. СУЛТОНОВ,**
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, Улуғбек номли маҳалла активи.

САМО СИРЛАРИ

# ИЮНЬ ОСМОНИ

**Энг узун кунлар ойида сайёралардан — Зуҳра эрталаб шарқда ёруғ юлдуздек чарақлаб туради, шунда, 12 июнда қуёшдан энг узоқ масофага — 46 даража ғарброқда жойлашади. Қуёшнинг энг катта табиий йўлдоши — Юпитер июнда ярим тундан олдинроқ жанубий-шарқдан чиқиб, эрталабгача кўринади. Эрталабга яқин тик тепамизда, яъни осмон меридианига яқинда бўлган Юпитер атрофдаги юлдузларга нисбатан энг ёруғ ёритгичдек кузатилади. Гўзал ҳалқаларга эга бўлган Сатурн сайёрасини кузатишга қулай бўлган ой — июндир. Кичик телескоп ёки дурбинда ҳалқалари ёйилиб турганини, атрофида 3—4 йўлдошларини кўриш мумкин. Марс эса августнинг иккинчи ҳафтасигача кўринмайди.**

**Юлдуз туркумларидан кўпчиликка маълум Катта Айиқ туркуми (халқимизда уни «Чўмич» деб ҳам аташади) кечқурунларн тепамиздан шимолроқда кўринади. «Чўмич» туркуми дастасидан» саналганда еттита ёруғ юлдузни қадим арабчадан олинган номлари — Бенетнаш, Мицар, Алиот, Мегрец, Фекда, Мерак ва Дубхедир.**

**«Чўмич» дастасининг иккинчи юлдузи Мицар ёнида нормал кўзга эга одамлар яна битта юлдузни — Алькорни (отлиқ-арабчада) кўришларн мумкин. Қадим замонда араблар чавандоз бўлишга тайёр йигитларнинг кўзини ана шу юлдуздан синашар экан. Ана шу афсонавий юлдуз туркумнин шимолий ғарбида Боотид метеор оқимини ой охирида кузатиш мумкин. Фақат Урта Осиё республикаларида кўринувчи Чаён туркумидан келувчи сариқ изли метеорлар жанубда кўринади.**

**Июнь ойининг ўртасида бўладиган ажойиб ҳодиса — «Вега —1» ва «Вега —2» космик аппаратларн Зуҳрага етиб, автоматик зондларини сайёра атмосферасига ташлаб ўтишларидир.**

**В. УМАРОВ,**
астроном.



Узбекистон Халқ хўжалигн ютуқлари виставкасн дам олиш зонасидаги турли аттракционларда кўнгил ёзиш нақадар завқли!

Х. МИРЗАКАРИМОВ фотолари.

Эртага — Жаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни




• Ҳаваскор боғбонлар, Сизлар учун!

# БОҒ ПАРВАРИШИ ҲАҚИДА

Яхши ният билан боғ-ҳовлиларга ўтқазилган кўчатларни ўз вақтида агротехник тадбирлар асосида парваришлаш керак. Бунда асосан суғориш, ўғитлаш, тупроқни ишлаш лозим.

Экилган кўчатларни кетма-кет суғориш учун кўчатдан 30 сантиметр узоқликда икки томондан суғориш эгати олинади. Эгатлар 12—20 сантиметр чуқурликда 30—40 сантиметр энликда олиниб, 25—30 соат давомида суғорилади. Сувни эгатларга тенг миқдорда тақсимлаш мақсадида эгат бошига резина трубкалар, сифон, темир шиток ўрнатилади.

Биринчи йили кўчатлар 8—10 марта суғорилади. Агар суғориш сони ойма-ой тақсимланса қуйидагича бўлади: апрелда — икки, майда — бир, июнда — икки, июлда— уч, августда — икки, сентябрда бир марта суғорилади. Ҳар бир суғоришдан кейин сув қуйилган эгатлар тупроғи юмшатилади. Кўчат оралиқлари ёз давомида 3—4 марта 8—12 сантиметр чуқурликда юмшатиб турилади. Кўчатларнинг танасини қуёш нуридан сақлаш учун икки қисм сўндирилган оҳак ва бир қисм тупроққа сув солиниб оқланади. Икки-тўрт ёшли мева дарахтларини август ойигача 5—6 марта суғорилади. Суғориш эгатлари тупдан ярим ёки бир метр узоқликда олинади.

Суғориш ўғит бериш билан биргаликда олиб борилса яхши натижа беради. Ҳар бир туп дарахтга 150—200 грамм азотли, 75—100 грамм фосфорли ўғит соф ҳолда, 40—50 килограмм чиринди гўнг минерал ўғитлар билан бирга 2 ёшли дарахт тагига бир ярим радиусда, уч ёшли дарахтларга уч метрли радиусда сочилиб, тупроқ 25—30 сантиметр чуқурликда чопиб чиқилади. Азотли ўғитлар март ойидан июль ойигача берилади.

Қиш фасли қаттиқ бўлганлиги учун баъзи бир совуққа чидамсиз мева дарахт турлари ва кўмилмай қолган ток тупларн қисман зарарланди. Бундай дарахт ва ток тупларида яшил новда чиққан жойдан юқори қуриган қисми боғ қайчиси ва қўл арасида кесиб ташланади. Бу агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказилса, боғ-ҳовлилардаги мева дарахтларидан мўл ҳосил олинади.

**М. РАЗЗОҚОВ,**
Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

• Табиат билан юзма-юз

# «Шаҳарлик» тулки

Иш юзасидан Бешёғоч томонга йўлим тушганди. Катта йўл яқинидаги бино олдида, янги гулзор учун тайёрланган майдонча ўртасида, учтўрт ўқувчи бир нарса устида тортишиб турарди. Улар ёнига етиб бориб қарасам, чуқурчада тулки ўлиб ётибди.

Қизиқ, тулки шундай катта шаҳарнинг қоқ ўртасига қандай келиб қолибди? Афтидан, тулки «ўз ажали» билан ўлган эмас. Унинг атрофида анчагина тошлар ётибди. Демак, у ўлдирилган. Эҳтимол, бу тулки миллионлаб йиллар давом этган бир тармоқ жонзот ҳалқасининг охирги нуқтасидир.

Дарвоқе, шаҳарда тулки юриши кўпчиликка қизиқ туюлади. Аслидачи? Шаҳар ўз қонуниятлари, бузилмас қоидалари ва яшаш шаклларига эга бўлган, табиат қўйнидаги муайян ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий талаблар заминида вужудга келган тарихий ҳосила. «Шаҳарлик» бўлиб қолган, табиатдан ажралган инсоннинг кўр-кўрона ҳайрати ва англаб етилмаган ибтидоий даражадаги «ўлдириш» психологияси бўлмаганда, шаҳарда тулки юрса юраверади-да. Унга ҳеч ким тегмаслиги мумкин эди.

Газеталарда шаҳарга кириб қолган айиқ, бўғу кабилар ҳақида қизиқ хабарлар ўқигандим. Ахир, ўшанда одамлар ўрмондан келиб қолган «меҳмон»ларни уриб ўлдирмаганку, маҳсус милтиқдан отилган уйқу дори солинган ампулалар ёрдамида ухлатиб уларни ўз маконига элтиб қўйишган.

Хўш, тулки-чи? Тулки ҳам ўша айиқ ёки бўғу каби яшашга ҳақли эмасмиди?

Икки оғиз Бешёғочгача келиб қолган тулки ҳақида. Шаҳримизнинг бу райони этагидан бўржар ўтади. Бу катта жарлик қадимдан шаҳар чеккасидаги овлоқ зоналардан бири бўлган. Бу ерларда турли ёввойи ҳайвонлар ва қушлар кўп учраган.

Лекин шаҳарда пайдо бўлган тулки бизнингча шундан далолат беради, Тошкент ичида ва ён-атрофидаги жарликларда, айниқса, Қорақамиш трактида ҳали ҳам турли ёввойи ҳайвонлар борлигини англатади. Уларнинг қирилиб кетишидан табиат кўп зарар кўради.

Она табиатнинг бутунлиги ва мувозанати инсон учун ҳам муҳимлигини шаҳар шароитида, айниқса, инсоннинг табиат фарзанди эканлигини, наботот ва ҳайвонот дунёсининг бирор ҳужайраси камайса одамлар учун зарар эканлигини унутмаслик лозим.

Бунинг учун оила ва мактабдан бошлаб болаларимиз онгига кўплаб ижобий, инсонийлик туйғуларини сингдира боришимиз шарт.

Табиатни асраш зарурияти сезиш жамиятимизнинг маданий савиясини белгилайди. Табиат мукаммаллиги бизнинг бойлигимиз: уни кўз қорачиғидек асраш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

**М. ИСҲОҚОВ.**

• НАБОТОТ — ҲАЁТ МАНБАИ

# АРПАБОДИЁН

Яқинда бир дўстим шундай воқеани сўзлаб берди. Тоғ ёнбағрида юрган чоғида бир илонга бенихтиёр кўзи тушибди. Илон қандайдир ўсимликка ўзини суркаб, ўсимлик атрофида парвонадек айланиб, яна ўша ҳолатни такрорлар экан. У бу воқеани узоқ вақт кузатибди. «Нима бўлди! Илон танасига бирор нарса сачиниб қолдимикин! Нега бунчалик ўсимликка суркаладн!» Илонга ёрдам бермш мақсадида унга яқинлашибдн, кўрса илон бннойидек экан.

Ҳа, илонлар қишдан кейин уяларидан чиққанларида кўзларини ўткир қилиш учун юқоридаги ўсимлик — арпабодиёнга бутун танасини суркайдилар, арпабодиён уруғини ейдилар. Бу уларнинг кўриш қобилиятини яхшилайди.

Хўш, бу ўсимлик қандай кўринишга эга! Арпабодиён бир йиллик ёввойи ўт бўлиб, соябонгуллилар оиласига мансубдир. Пояси тик ўсувчи, тукли, кўпқирралн, юқори қисми шохлаган бўлади. Илдизолди баргларн узун бандли, тухумсимон поя учидаги барглар бандсиз, уч бўлакка қирқилган, лентасимон гулларн майда, кўримсиз, оқ рангли, мураккаб соябонга тўпланган. Ўсимлик ўзига хос хушбўй ҳидга, ширин мазага эга. Таркибида эфир мойи, ёғ ва бошқа бирикмалар сақлайди.

Халқ табобатида бу ўсимлик розинёнаж номи билан ҳам юритилади. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино шу ўсимлик билан кўз, буйрак хасталикларини даволаган. Киши тана температураси кўтарилганда, кўнгил айнинганда ҳам ундан фойдаланса яхши наф беради. Эмизикли аёлларда эса сутни кўлайтирнш хосияти бор.

Меваси ва мойи ҳозирда бронхит касаллигида балғам кўчирувчи, ичак фаолиятини яхшиловчи, иштаҳа очувчи, чаноқ босувчи, пешоб ва ўт ҳайдовчи омил сифатида тавсия этилган. Ўсимликдан фармацевтика амалиётида дорилар мазасини яхшилаш учун, уруғидан олинган мой эса совун пиширишда, озиқ-овқат саноатида фойдаланилади.

**З. МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**

ТОШКЕНТНИНГ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА



• Танишинг, шаҳримиз чемпионлари

# ШОҲСУПАДА ЕЛЕНА

Ҳар бир кишининг ўз мақсади бўлади. Баъзилар орзусига узоқ йиллардан сўнг, катта меҳнат эвазига эришадилар. Баъзиларга эса омад ёр бўлиб, тезда шуҳрат қозонишади. Елена Аристованн ана шундай омадли қизлар қаторига қўшиш мумкин. У ГТО кўп курашнинг биринчи босқичи бўйича ўтказилган XX шаҳар спартакнадасида энг яхши натижа кўрсатиб, фахрий шоҳсупанинг биринчи погонасига кўтарилди.

Аслини олганда муваффақиятга эришиш осон бўлмади. Елена ёшлигидаёқ отаси, қурувчи Геннадий Петровичга ҳавас билан қарар, эрталаб ва кечқурунларн ўзлари истиқомат қилаётган уй атрофидаги йўлкаларда югуришда унга ҳамроҳ бўлар эдн. Бу қизиқиш аста-секин мақсадга айланди. Елена 4-синфда ўқиётганида енгил атлетика секциясига ёзилди. Тренер Борис Николаевич Хитин ёрдамида тўсиқлар оша югурнш, нишонни мўлжалга олнш, узоқ масофага югурнш сирларнини ўргана бошлади.

Киров районидаги 240-ўрта мактаб енгил атлетикага ихтисослашган. Бу ерда спорт машқаси секрларини ўргатиш учун барча шароит мавжуд. Машғулотлар аниқ график асосида ўтказилади. Тез-тез бошқа мактаб ўқувчиларн билан матч-учрашувлар ташкил этиб турилади. Худди шу нарса ўқувчиларга маҳорат сарн дадил одмн ташлаш имконини беряпти. Елена Аристова 8-синфда ўқиётган бўлишига қарамасдан иккинчи ўсмирлар спорт разрядига эга. Юз метр масофанн тўсиқлар оша 16,4 секундда босиб ўтганлигн учун ана шундай унвонга сазовор бўлган.

Тренерлар унга катта ншонч билдириб, район мусобақаларида мактаб шарафини ҳимоя қилишни топширишди. 50, 60, 300 метр масофага югурнш, тўп улоқтирнш, мерганлик бақсларида тенгдошлари орасида энг яхши натижа кўрсатиб, устозларининг ишончини оқлади. Кейин эса шаҳар мусобақаларида район спортчиларн шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлди. «Динамо» стадионида ўтказилган финал учрашувларида ҳам Елена яхши натижалар кўрсатди. Умумий якунда энг кўп очко тўплаб, шаҳар чемпионн унвонини қўлга киритди. Бу Еленанинг спортдаги дастлабки муваффақиятидир. У яхши ўқиш билан спорт маҳоратнни ҳам такомиллаштирнш ниятида.

* * *

**СУРАТДА: ГТО кўп курашн биринчи босқичи бўйича Тошкент шаҳри чемпиони Елена Аристова.**

**Т. КАРИМОВ фотоси.**

• Энг муҳими—саломатлик

# КЕКСАЮ ЁШ ҲАМ

Яқинда Тошкентдаги ҳаваскор югурувчилар клубининг аъзолари навбатдаги оммавий югуриш мусобақаларини ўтказишди. Унда кексалар ҳам, ёшлар ҳам иштирок этдилар. Масофани ҳар бир қатнашчи ўзининг тайёргарлиги ва саломатлигига қараб танлади. Узоқ масофани танлаган физкультурачилар асосий группадан икки соат олдин стартга чиқишди.

Шунниси диққатга сазоворки, бу сафар ҳам тажрибали югурувчи Э. Артамонов ўзини кўрсатди. У 100 километр масофани югуриб ўтишга муваффақ бўлди. Олис масофага ўтказилган баҳсларда қатнашган ўн кишидан саккизтаси мақсадга эришди. Улар 50 километрдан зиёд масофани босиб ўтдилар. Ана шундай олис масофага ўтказилган мусобақада яхши қатнашганлар орасида мураббийчи В. Хилько, инженер С. Биркле, шунингдек Е. Солдатов, В. Заворотний, В. Липунов, И. Ремпель, Ю. Талал, Н. Полойко бор эди.

Қатнашчиларнинг энг кексаси 70 ёшда эди. Тошкент политехника институтида ўқитувчилик қилаётган Л. Сафир ўзининг тиришқоқлиги ва бардоши билан бошқа қатнашчиларга ибрат кўрсатди. У бир неча йилдан буён клуб ташкил этаётган беллашувларда иштирок этиб келмоқда.

— Югуриш, — дейди Л. Сафир, — узоқ умр кўришнинг асосий базисидир. Шу боисдан ҳам деярли йигирма йилдан буён мусобақаларда иштирок этиб келаяпман.

Қатнашчиларнинг энг кенжаси Куйбишев район идаги 142-мактабнинг биринчи синф ўқувчиси Лена Гельфенбайн эди. У 10 километр масофани югуриб ўтишга муваффақ бўлганди. Қатнашчилар энг асосий рекорд-саломатликларини мустаҳкамлаб олдилар.

Ҳаваскор югурувчилар ўзларининг навбатдаги мусобақаларини 9 июнда ўтказишади. Одатдагидек, бу сафар ҳам Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғи олдида старт берилади.


Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет оқшоми

4 ИЮНЬ, 1985 й.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

9 ИЮНГАЧА

«МУЗ УСТИДА БАЛЕТ»

Н. ОСТРОВСКИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ ҚИЕВ БАДИИЙ-СПОРТ АНСАМБЛИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

«БИЗ УКРАИНАДАНМИЗ» ПРОГРАММАСИДА — БАЛЕТ, РЕВЮ, СПОРТ, ЮМОР, АКРОБАТИКА, БОШҚА ХИЛ ТОМОШАЛАР.

**ТОМОШАЛАРДА Халқаро классдаги спорт мастерлари, СССР спорт мастерлари, СССР биринчиликларининг совриндорлари, Жаҳон ва Европа биринчиликлари, Олимпиада ўйинлари иштирокчилари, Украина ССРда хизмат кўрсатган артистлар қатнашадилар.**

**БАДИИЙ РАҲБАР ВА БОШ БАЛЕТМЕЙСТЕР — Украина ССРда хизмат кўрсатган артист ФЕДОР ФЕДОТОВ.**

**Саҳналаштирувчи-балетмейстер — Украина ССРда хизмат кўрсатган артист ЕЛЕНА ГОДНИЧАК.**

ТОМОШАЛАР: 8, 9 июнь соат 17.00 ва 20.00 да; 4, 5, 6, 7 июнь соат 20.00 да бошланади.

**Билетлар «Юбилей» Марказий спорт зали кассаларида сотилмоқда.**

КАССАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 12.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

**Қуйидаги телефонлар орқали маълумотлар олиш мумкин: касса — 65-03-12, администратор — 46-07-53, 46-68-77.**


ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИНГ ҲУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАРИ!

СИЗ ШАҲАР ТЕЛЕФОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАЁТГАНИНГИЗДА, ИККИ РАҚАМЛИ НОМЕРЛАРНИ ТЕРИБ ЗУДЛИК БИЛАН ЖАВОБ БЕРАОЛАДИГАН МАХСУС ХИЗМАТЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИШИНГИЗ МУМКИН:

«01» — ўт ўчириш ёрдами;
«02» — милиция;
«03» — тез медицина ёрдами;
«04» — газ қувури авария хизмати;

**БУЮРТМА ВА СПРАВКА ХИЗМАТЛАРИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА:**

«07» — шаҳарлараро телефон тармоқларининг буюртма-хизмати;
«09» — шаҳар телефон тармоқлари справка хизмати (муассасалар телефонлари бўйича);
«006» — самолётлар парвози тўғрисида справка хизмати;
«007» — шаҳарлараро телефон тармоқлари справкаси;
«009» — шаҳар телефон тармоқларининг квартиралар телефонлари бўйича справкаси;
«005» — поездлар ҳаракати тўғрисида справка хизмати;
«065» — маиший хизмат;
«062» — такси буюртмаси;

Агарда сизнинг телефонингиз ишламай қолса ремонт бюросига буюртма беришингиз лозим. Бунинг учун «08» рақамини териш ва станциянинг уланиш овозини эшитганингиздан кейин, шикастланган телефоннинг номерини теришингиз лозим. Оператор сизни эшитади ва буюртмани қабул қилиб олади. Буюртма бераётганда бузилиш сабабини қисқа изоҳланг ва шикастланган телефоннинг номерларини дарҳол айтиб беринг. Агарда операторнинг жавоби сизни қаноатлантирмаса, справкалар учун қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилинг: 55-19-19, 55-14-14.

Сиз шунингдек телефонингизга хизмат кўрсатаётган телефон узелига бевосита мурожаат этишингиз ҳам мумкин:

АТС — 62, 64, 66, 67 КУЙБИШЕВ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ УЗЕЛИ СОСТАВИГА КИРАДИ ВА УНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:
**бошлиғи** — 67-04-25.
**бош инженер** — 67-09-10.
**шикоятлар бўйича инженер** — 67-12-80.

АТС — 90, 91, 96 ЛЕНИН РАЙОНИ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ УЗЕЛИ СОСТАВИГА КИРАДИ ВА УНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:
**бошлиғи** — 91-04-25.
**бош инженер** — 91-09-10.
**шикоятлар бўйича инженер** — 91-12-80.

АТС — 41, 42, 44, 45, 46, 48, 29 СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ УЗЕЛИ СОСТАВИГА КИРАДИ ВА УНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:
**бошлиғи** — 29-04-25.
**бош инженер** — 29-09-10.
**шикоятлар бўйича инженер** — 29-12-80.

АТС — 53, 58, 74, 76, 77, 78 ЧИЛОНЗОР РАЙОН ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ УЗЕЛИ СОСТАВИГА КИРАДИ ВА УНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:
**бошлиғи** — 77-04-25.
**бош инженер** — 77-09-10.
**шикоятлар бўйича инженер** — 77-12-80.

АТС — 21, 32, 33, 35, 24, 56, 55, 36 ҲАМЗА РАЙОНИ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ УЗЕЛИ СОСТАВИГА КИРАДИ ВА УНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:
**бошлиғи** — 56-04-25.
**бош инженер** — 56-09-10.
**шикоятлар бўйича инженер** — 56-12-80.

ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНАЁТГАНДА ҚУЙИДАГИ ТАРТИБНИ УНУТМАСЛИК ЛОЗИМ:

телефонда суҳбатлашиш давоми уч минутдан ошмаслиги лозим.

**Шаҳар телефон тармоқларининг абонентлари қуйидаги тартибни бажаришга мажбурдирлар:**

бошқа абонентларни ҳуда-беҳудага безовта қилиш мақсадида абонент телефонидан фойдаланишга йўл қўймаслик лозим ва улаб параллель қилинган телефонларда бошқа абонентларнинг алоқа воситасидан бемалол фойдаланишлари учун телефон-трубкасини бекорга олиб халал бермаслик керак;

телефон хизматидан фойдаланганлиги учун ҳар ойнинг 14 кунидан кечикмаган ҳолда абонент ҳақини тўлаб қўйиш лозим. Шу ойнинг 15 кунигача телефон тармоғига абонент ҳақи келиб тушмаса телефон тармоғи шаҳар телефон тармоқларидан фойдаланиш қоидаларига биноан, абонентни телефон орқали шу ойнинг 20 кунигача абонент ҳақини тўлаб қўйиш лозимлиги тўғрисида огоҳлантиради ва агарда ойнинг 25 кунигача телефон ҳақи тўланмаса 26-куни телефон узиб қўйилади, шунингдек ойнинг 30 (31) кунигача тўланмаса абонент мутлақо бекор қилинади.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ БОШ БОШҚАРМАСИ.**


# Ўқишга марҳамат!

## Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

**1985—1986 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича**

## Ҳунар-техника билим юртларига

# ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**9-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА (трикотаж буюмлари бўйича), ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА (аёллар кўйлаги бўйича).

**Ўқиш муддати — 6 ой.**

Билим юртига 10-синфни тугатган, Тошкент шаҳрида яшовчи ёшлар қабул қилинадилар.

Ўқишга қабул қилинганларга ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия тўланади. Тошкент «Малика» трикотаж бирлашмаси ва Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида практика ўташ даврида ўқувчилар ишлаб топилган меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар. Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига киради.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:** директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги аттестат, яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), мактабдан характеристика, 4 дона фотосурат (3х4 см, ҳажмда).

Машғулотлар группаларнинг комплектланишига қараб бошланади. Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар педагогика советининг қарори билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига ўқишга киришга тавсия этиладилар.

Билим юртининг адреси: 700100, Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий тўқаси, 55-уй (4, 7, 9, 14, 24, 28-трамвайлар: 2, 6, 13, 14, 16-троллейбусларнинг «Театральний» бекати). Телефонлар: 55-42-59, 55-39-83.

**3-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

ТОКАРЬ, САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТРОМОНТЕР, МЕХАНИКА-ИЙҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ (ОТК контролёри), ҚЎЛДА ИШ БАЖАРУВЧИ ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ПРЕССЧИ-ШТАМПОВКАЧИ.

**Ўқишга 8-10 синф маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.**

8-синф маълумотлилар 3 йил муддатли ўқишга қабул қилинадилар ва ўқишни тугатгач уларга ўрта ҳунар-техника билим юртини тамомлаганлиги ҳақида диплом берилади. Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал бепул иссиқ овқат, кўчалик ва иш кийим-бошлари билан таъминланадилар.

10-синф маълумотидаги ўқувчилар техника билим юртлари программаси асосида ўқитиладиган группаларга қабул қилинадилар ва улар қўлда иш бажарувчи электр пайвандчи, токарь, машинада контактли пайвандлаш пайвандчиси, прессчи-штамповкачи ихтисосларини эгаллаб чиқадилар. Ўқиш муддати — 6 ой ва 1 йил. 10-синф маълумотидаги ўқувчиларга ойига 72 сўм стипендия тўланади.

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 процент тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

**Ўқиш даври меҳнат стажига киради.**

Билим юртини тамомлаб чиққан ёшлар қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи — «Ташсельмаш»га ишга юбориладилар. Ўқиш аълочиларига билим юртини тугатгач, мажбурий ишлаб бериш стажидан қатъий назар олий ўқув юртларига киришлари учун йўлланма берилади.

Билим юртида фан, техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик, фото тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турибди.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур:** ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, саломатлиги ҳақида справка, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Машғулотлар — 8-синф маълумотидаги ўқувчилар учун 1 сентябрдан, 10-синф маълумотидаги ўқувчилар учун эса группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

**Бизнинг адрес:** Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-автобусларнинг «3-СПТУ» бекати; 16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати).

50-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**программа билан бошқарувчи токарь-оператор,
программа билан бошқарувчи фрезерчи-оператор,
радиоаппаратура ва асбобларни монтаж қилувчи,
радиоаппаратура ва асбобларни йиғувчи слесарь,
радиоаппаратура ва асбобларни созловчи,**

ЎҚИШ МУДДАТИ —3 ЙИЛ.

15 ВА УНДАН КАТТА ЁШЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганларга ўрта маълумот ва эгаллаган малакалари ҳақида диплом берилади.

10-синф маълумотига эга бўлганларни малакали ишчилар қилиб етиштириш учун қуйидаги мутахассисликлар бор: программа билан бошқарувчи токарь-оператор, радиоаппаратура ва асбобларни созловчи, радиоаппаратура ва асбобларни монтаж қилувчи, программа билан бошқарувчи токарь-фрезерчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ —1 ЙИЛ. **Ўқиш даврида 30 сўм стипендия** ва иш ҳақининг 50 процент тўланади.

Ўқиш муддати иш стажига киради. Имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларига ва техникумларга кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Машғулотлар ёруғ, яхши жиҳозланган, қулай хоналарда олиб борилади. Турли тўгараклар ва спорт секциялари ташкил этилган.

**Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:** туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, аттестат, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, фотосурат (3х4 см.), характеристика, таржимаи ҳол.

**ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Бизнинг адрес: Тошкент, Чилонзор массиви, Д-20 кварталы, Пограничная кўчаси, 50-уй. 94, 78, 50-автобуслар; 6, 11, 19-троллейбуслар; 34-маршрутли таксининг «20-квартал» бекати.

**28-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

Пойафзал устки қисмини бичувчилар, пойафзал устки қисмини тайёрловчилар, пойафзал тикувчилар, тайёр пойафзалларни қабул қилиб олувчи-контролерлар, слесарь-ремонтчилар, электр монтёрлар, конструктор-модельерлар, якка буюртмалар бўйича моделли пойафзал тикувчилар.

**Ўқувчиларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.**

ЎҚИШ МУДДАТИ —6 ОЙ.

Билим юрти қошида кечки-ишчи ёшлар мактаби мавжуд.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Билим юрти пойафзалчилар саройига эга. Бу ерда ҳар хил ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ишлайди.

Билим юртида доимо бепул тикиш-бичиш курслари ишлаб туради. Бу курсларни тугатганларга гувоҳнома берилади.

**МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.**

**Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:** билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

**ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 3, 6, 14-троллейбуслар; 11, 51, 172, 173-автобусларнинг «1-Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

**29-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАДИ: **бичиқчи** (чарм пойафзал ишлаб чиқаришида) **пойафзал устки қисмини тайёрловчи, шахсий буюртма асосида пойафзал тикувчи, ОТК контролёри, ремонтчи-слесарь, тикувчи-мотористка.**

**ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 синф маълумотидагилар учун — 2 йил, 10-синф маълумотидагилар учун 1 йилу 6 ой.**

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби ишлаб турибди.

**Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.**

**Билим юртига 10-синф маълумоти билан кирган ўқувчиларга ойига 30 сўм стипендия берилади, 8-синф маълумотидаги ўқувчилар эса, давлат таъминотида бўладилар (улар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар).**

**Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчилар ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар.**

Билим юртида турли тўгараклар фаолият кўрсатяпти.

**Билим юртига қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим:** директор номига ариза, маълумоти ва туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар, ўқиш жойидан характеристика, медицина справкаси (286-форма), яшаш турган жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

**МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор район, Дўмбробод, Наққошлик кўчаси, 199-уй (7, 16-троллейбуслар; 173-автобуснинг «Дўмбробод» бекати). Телефон 76-77-45.

**23-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

**Трамвай вагонларининг учинчи класс ҳайдовчиси, троллейбус машиналарининг 3-класс ҳайдовчиси, контакт ва кабель тармоқлари ремонти ва улардан фойдаланиш электр монтери, тортиш подстанцияларини ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш электромонтери, трамвай вагонлари ва троллейбусларнинг электр асбоб-ускуналари ва радиоаппараталарини ремонт қилувчи электромеханик, линия хизмати диспетчер-ревизори, ўқиш муддати — 5-6 ой;**

**ЎҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН КИШИЛАР, ШУНИНГДЕ 18 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.**

**Ўқишга қабул қилинганларга 75 сўм стипендия тўланади.**

**Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.**

**8-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН:**

тортиш подстанцияларининг диспетчери, трамвайлар ва троллейбусларни ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш механиги, трамвайлар ва троллейбусларнинг электр ва радиоаппараталарини ремонт қилувчи электромеханик, тортиш подстанцияларини ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш электромеханиги, енгил автомобиллар, юк автомашиналари ва бошқа ихтисослашган машиналарни (давлат таъминотида туради) ремонт қилувчи автослесарь. Ўқиш муддати —3 йил;

**10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН:**

трамвай вагонларининг 3-класс ҳайдовчилари, троллейбус машиналарининг 3-класс ҳайдовчиси, тортиш подстанцияларининг диспетчери, тортиш подстанцияларини ремонт қилувчи ва улардан фойдаланувчи электромонтер, автослесарь, контакт ва кабель тармоғини ремонт қилувчи ва ундан фойдаланувчи электромонтер, линия хизмати диспетчер-ревизори (ойига 30 сўм стипендия тўланади). Ўқиш муддати—10 ой.

**Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади ва шаҳар прописксидан ўтказилади, улар Тошкент шаҳрида трамвай ва троллейбусларда бепул юрадилар.**

**Билим юрти қошида турли тўгараклар, ишчи-ёшлар мактаби фаолият кўрсатмоқда.**

**ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.**

**Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин:** Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Красноворотный кўчаси, 3-«а» уй (1, 17«з» автобуслар; 6, 13, 22-трамвайлар; 18-троллейбуснинг «Красновосточное» депоси» бекати). Телефон 62-34-57.

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).**


## КИНО

**4 ИЮНДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.45; Телефон 44-21-34), **Ҳамза номли** (18.30, 21.00; Телефон 91-10-51), **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **М. Шайхзода номли** (18.30, 20.45).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Хива** (21.45), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«СОДИҚ ҚЎЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«СПАРТАК» — **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02).

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00, телефон 48-46-71).

**5 ИЮНДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; Телефон 44-21-34), **Ҳамза номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; Телефон 91-10-51), **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14, 30, 17, 19.30).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Хива** (21.45), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«АЙРИЛИҚ ОЛДИДАН» — **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«ҚОРА КАЛХАТ» — **Восток** (жуфт соатларда ва 21.00, телефон 91-14-61).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«СОДИҚ ҚЎЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«СПАРТАК» — **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02).

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 18.30, 21.00, телефон 48-46-71).

«ҚРИМДА ИККИНЧИ МАРТА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).


**РЕСПУБЛИКА МОДАЛАР УЙИ**

(Лоҳутий кўчаси, 25-уй)

**намойишлар залида**

8 ИЮНДАН БОШЛАБ

**Шанба кунлари**

**соат 16 ва 18.00 да**

**МОДАЛАР НАМОЙИШИНИ ЎТКАЗАДИ**

Билетлар Модалар уйининг кадрлар бўлимида сотилади.


Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 23-кечки мактаб томонидан **Абдусаттарова Мазлума Абдураззоқовна** номига берилган 313445 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

## ТВ

## сешанба

**4 ИЮНЬ**

● МТ I

17.30 СССРда табиатни муҳофаза қилиш.
18.00 «Ўртоқ Свердлов. Ҳаёти саҳифалари». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Агар соғлом бўлай десанг».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш». Инсон фаолияти турли соҳаларида ЭҲМнинг қўлланилиши.
20.00 М. Балакирев. «Исломей». Шарқ фантазияси.
20.10 «Соғ бўлинг». Е. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Соғ бўлинг» фильм-спектаклининг давоми.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 М. Хранова куйлайди (БХР).

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Музикали киоск».
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Филчаларнинг саргузашти», Мультфильм.
20.45 Спорт гимнастикаси бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Алеко». Фильм-опера.
23.05 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб».

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қўшиқ». Мультфильм.
18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Дўстларимиз планетаси» (рус.).
18.55 «Ҳақиқат ва бўхтон». Атеистик мавзуларда кўрсатув.
19.20 «Олатов жилолари». Манзарали фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 СССРда Вьетнам Социалистик республикаси Маданияти кунларига бағишланган концерт.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бизнинг дала шийпонимиз». «Қишлоқ ҳақиқати» газета редакцияси ҳамда Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди.
22.30 «Дадил қадам». Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Абитуриентлар учун. Иншо қандай ёзилади.
18.45 «Ўтюрак Бонивур». Бадиий фильм. 1-серия.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Балет шинаванлари учун».
21.10 «Эфиопия баҳори». Ҳужжатли фильм.

## чоршанба

**5 ИЮНЬ**

**ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ**

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Дўстим Суқротжон». Телевизион бадиий фильм.
10.45 «Тинч оқар Дон ўлкаси». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.15 Г. Берлиоз. «Ромео ва Юлия» драматик симфониясидан парчалар.
11.55 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Инсон ва табиат». Телевизион ҳужжатли фильмлар.
16.10 А. С. Пушкин. Адабий этюдлар.
17.10 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
17.55 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телеконкурсининг лауреати Воронеж шаҳар касаба союзлари халқ хор капелласи ижро этади.
18.20 «БАМ қурилиши давом этади».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.00 «Вешенский баҳори». Телеочерк.
20.25 «Станция назоратчиси». Телевизион бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Дания — СССР терма командалари. Данияда олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг».
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Болалик завқ-шавқи». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 20—30-йиллар совет живописи.
10.05 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
10.35 «Алеко». Фильм-опера.
11.35 «Судланмайдиган камомат». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.50 «Кўҳна қалъа сояси». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 5-серия.
12.25 «Ҳаётга йўлланма».
13.25 Немис тили.
13.55 «Кувноқ стартлар».
14.40 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 31-армия ветеранларининг учрашуви.
15.55 Мультконцерт.
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Шахмат мактаби».
19.20 «Воронов кадрилари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.40 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
20.10 Н. Агапкин асарларидан концерт.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «38 та тўти». Мультфильм.
20.45 «Походларда кўп йўл босилди». Адабий-музикали композиция.
21.30 «Время».
22.00 В. Сергеев. «Кузнинг мафтун этувчи кунлари...» Телеспектакль.
23.10 Куба артистлари ижро этади.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Шафақка йўл». Илмий-оммабоп фильм.
11.10 Болалар учун фильм. «Димканинг хўрози».
11.25 «Дадил қадам». Бадиий фильм. 2-серия.
12.30 «Пионер лагерлари ўз эгаларини кутмоқда».
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сариқ тумшуқли Пики». Мультфильм.
18.30 Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига. «Инсон ва табиат».
19.00 «Хушёрлик —ҳаёт нормаси» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Адабий альманах».
20.30 «Ахборот».
20.50 УзССР Давлат телерадиоси Уйғур ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари».
22.15 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
23.40 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Абитуриент-85». А. Абдураҳмонов номли Тошкент политехникуми (рус.).
18.45 «Ўтюрак Бонивур». Бадиий фильм. 2-серия.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.
21.00 «Транспорт ва йўловчи».


4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

4 ИЮНЬ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

**БИЗНИНГ АДРЕС:**
**700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.**

**Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуш — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—09286. Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.